



ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 151 (940), 2023 йил 1 август, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 июль куни Венгрия, Озарбайжон ва Япония билан инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Маълумки, ушбу мамлакатлар катта иқтисодий ва инвестициявий имкониятларга эга. Сўнги йиллардаги мунтазам мулоқотлар туфайли Ўзбекистоннинг улар билан муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди, ҳамкорликнинг турли йўналишларида алоқалар фаоллашди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилда Японияда, 2022 йилда Венгрияда расмий ташриф билан булган эди. Озарбайжон Президенти ва Венгрия Бош вазири мамлакатимизга келган. Шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, "Марказий Осиё — Япония" тузилмалари доирасида доимий фикр алмашиб келинмоқда.

Сиёсий ирода ва ўзаро манфаатдорлик натижасида Венгрия билан 33 та, Озарбайжон билан 27 та, Япония билан 13 та лойиҳа бўйича келишувлар имзоланган.

Йиғилишда ушбу лойиҳаларнинг ижро ҳолати, уларни амалга ошириш бўйича йўлга қўйилган тизим ҳақида ахборот берилди.

Масалан, Венгрия билан ҳамкорликда парранданичилик кластери ташкил этиш, авиакомпания очиш, дори-дармонлар, бутловчи қисмлар ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Озарбайжон билан энергетика, кимё, транспорт, машинасозлик, қурилиш соҳаларида ҳамкорлик қилинмоқда.

Япония билан лойиҳалар кулами ҳам кенг: энергетика, туризм, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, тўқимачилик, чорвачилик.

Умуман айтганда, Венгрия, Озарбайжон ва Япония билан шерикликдаги ушбу лойиҳалар натижасида 8 мингдан зиёд янги иш ўрни, қарийб 1 миллиард 700 миллион долларлик экспорт имконияти яратилиши назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, бу борада масъуллар ва инвестиция менежерлари ишини жонлантириш зарурлигини таъкидлади.

Икки томонлама мулоқотлар, жумладан, ишбилармон доираларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этиш орқали янги лойиҳалар бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Саноат, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, хизматлар, таълим ва инновациялар ҳамкорлигининг янги истиқболли йўналишлари сифатида қайд этилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЕТАКЧИЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

31 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги самарали алоқалар изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Саноат кооперацияси бўйича, шу жумладан, энергетика, тоғ-кон, озик-овқат, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда янги лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди. Бўлажак қўшма тадбирлар режаси, хусусан, олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Минтақавий кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ



ОДАМЛАР ТИЛИДА ШУКРОНА, қилида мамнуният

Бугун олтин водийнинг дилбар Фарғонасига келган киши бу ердаги ўзгаришлар, бунёдкорликни кўриб ҳайратга тушади. Ҳар бир ҳудуд, қишлоқ ва шаҳарда яратувчанлик шукуҳи кезмоқда. Одамларнинг кайфияти баланд. Улар кундалик ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар, фаровонлик йўлида бошланган ташаббуслардан мамнун.

Президентимизнинг 27-28 июль кунлари қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги йirik лойиҳалар, янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда маҳаллалар ҳаёти билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятига ташрифи хайрли ишлар, самимий мулоқотларга бой бўлгани билан эсда қолди.

Амалий ташриф ва мулоқотлар якунига етганидан буён бир неча кун ўтган бўлса-да, меҳнат жамоалари, маҳаллалардаги катта-кичик давралар, оилавий дастурхонлар атрофида Президент ташрифи тафсилотлари,

таассуротлари ҳақидаги суҳбатлар, эътирофлар ҳали-ҳамон тўхтагани йўқ. Бу бежиз эмас, албатта.

Энг муҳими, бугунги ҳар бир ислохот, аввало, инсон қадрини, шаънини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жойларда кенг қўламада қўлоқ ёзиб, халқ розилиги йўлида амалга оширилаётган ишлар оддий одамлар ҳаётига кириб бормоқда.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 32 ЙИЛЛИГИГА

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ҚУВОНЧИ



2023 йил мамлакатимиз учун сиёсий воқеаларга бой кечмоқда. Юрт равнақини белгилайдиган, инсон қадрини улуғланган, барча қатлам манфаатлари инобатга олинган янги тахрирдаги Конституциямиз қабул қилинди. Эътиборлиси, унинг муҳокамасида халқимиз фаол иштирок этди. Шунинг учун ҳам янгиланган Бош қонунимиз "халқ Конституцияси", дея таъриф олди.

Авваламбор, янги тахрирдаги Конституциямиз илгари амал қилиб келган "давлат — жамият — инсон" тамойилини "инсон — жамият — давлат" деб ўзгартиргани, яъни, аввало, инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйишни мақсад қилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Янгиланган Конституцияда Ўзбекистон "ижтимоий давлат" деган тамойил муҳрланиб, давлатнинг бу соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар уч баробар ошди. "Инсон қадрини устун" тамойили Конституцияда, қонунларимизда ва давлат идоралари фаолиятида бош мезонга айланди.

Масалан, ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, одамларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширди.


▶ Давоми 3-бетда

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

САҲРО БАҒРИДА МЎЪЖИЗА ЯРАТИБ

"Чўлқуварлар маскани", "Саноат шаҳарчаси" номлари билан машҳур Қоровулбозор тумани саҳро бағридаги мўъжиза ҳисобланади. 1993 йилда ташкил этилган туманда ўзбек, қозоқ, рус, тожик, туркман, татар ва бошқа миллатларга мансуб 25 мингга яқин аҳоли яшайди.

▶ Давоми 4-бетда



ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ



ДЎСТЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ДИЁРИ



ХАЛҚИМИЗНИНГ МУШТАРАК ЭЗГУ ОРЗУ-УМИДЛАРИ РЎЁБГА ЧИҚАЁТИР

Уйда тўй-маърака бўлганида қариндошдан аввал қўшнисини чақирган, бир қоса иссиқ овқатини қўшнисига илинадиган халқимиз. Қўшнимиз қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, биз учун қадрли. Бу халқимизнинг қадимий қадриятларидан. Президентимиз айтганидек, "Ўзбекистонимизнинг ер ости ва ер усти бойликлари кўп. Лекин бизнинг энг катта қучимиз, бебаҳо бойлигимиз бу — ягона, аҳил оила бўлиб яшаётган кўп миллатли халқимиздир".

▶ Давоми 5-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 32 ЙИЛЛИГИГА

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ҚУВОНЧИ



Байрамбек УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Жиззах вилоятидаги
Халқ қабулхонаси мудир

Бошланиши 1-бетда

ди. Натижада аҳолининг турмуш шaroити яхшиланди, эртанги кунга ишончи кучайди.

Президентимизнинг Жиззах вилоятидаги сайловчилар билан учрашувида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бешта стратегик йўналишдаги режа баён этилди.

“Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили асосида, аввало, шу соҳаларни ривожлантириш устувор вазифа экани таъкидланди. Амалга оширилган кучли ижтимоий сиёсат натижасида мамлакатимизда мактабгача таълимга қамров 27 фоиздан 72 фоизга, олий таълим билан қамров эса 9 фоиздан 38 фоизга ошди, мактабларда қўшимча 700 минг ўқувчи ўрни яратилди.

Президентимиз айтганидек, бу ишлар асло тўхтаб қолмайди. 2030 йилгача Жиззах вилоятида 400 та янги боғча ва янги мактаб қурилади, мавжудларнинг қуввати оширилади. Натижада мактабгача таълим қамрови 100 фоизга етказилади.

Аҳоли саломатлигини асраш доирасида 85 та тиббиёт муассасаси қурилади ва таъмирланади. Хусусан, аллергология, урология, нейрохирургия каби 12 та ихтисослаштирилган марказ филиали, перинатал марказ ишга туширилади.

Аҳолининг уй-жойга эҳтиёжини қондириш мақсадида 25 минг оиллага мўлжалланган 500 та кўп қаватли уй барпо этилади.

Вилоятда энг долзарб бўлган ичимлик сув масаласи бўйича Зарафшон дарёсидан 160 километр магистрал қувур тортилиб, 600 минг аҳолининг сув таъминоти яхшиланади. Худуднинг марказлашган ичимлик сув таъминоти 90 фоизга етказилади.

Қайд этиш жоизки, айна пайтда аҳолиси 1 миллион 443 мингдан ортқ



натидан саноатлашган ишлаб чиқариш босқичига ўтказилади.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида кейинги 7 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар оширилади. Саноат маҳсулотлари экспорти 6 қарра оширилиб, 1 миллиард долларга етказилади. Вилоятга 14 миллиард доллар инвестиция жалб қилиниб, 6 мингдан зиёд лойиҳа ишга туширилади.

Президентимиз мамлакатимизда аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича янги ислохот асосини ва муаллифи бўлди. Эҳтиёжмандларни ҳисобга олиш, касбга ўқитиш, тадбиркорлигига қўмаклашиш орқали уларнинг бандлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилди.

лион долларга етади. Экин майдонларида сувни тежовор технологиялар жорий этилади, кўп каналлар бетон қопламага ва ёпиқ қувурли сугориш тизимига ўтказилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида “Кечаги натижа, кечаги қараш ва мезонлар энди тарих. Улар энди бизни қониқтирмайди. Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак”, деди. Бу янги Ўзбекистон ислохотларига уйғун тарзда дадил одимлаётган мамлакатимизнинг бугунги кундаги пировард мақсадларидан бирига айланади.

Ҳақиқатан, ўтган қисқа вақтда мамлакатимизда оламшумул ўзгаришлар юз берди. Президентимизнинг халқчил ташаббуслари ва концептуал ғоялари асосида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди.

Унда янги Ўзбекистонимизнинг мустақам пойдеворини барпо этишда “Инсон — жамият — давлат” ва “Инсон қадрли учун” деган эзгу ғоялар устувор этиб белгилаб қўйилди. Яъни аввал инсон, кейин давлат тамойили яратилди. Кўплаб норозиликларга сабаб бўлаётган, халқимиз манфаати алоқадор бўлган мулк ҳуқуқи дахлсизлиги Конституцияда мустақамланди.

Тадбиркорларга қанча йиллардан буюн тўсиқ бўлиб келаётган юзлаб муаммолар ечим топди, уларга жуда катта имкониятлар яратилди.

Аграр соҳада илгари ҳатто тасаввур қилиб бўлмаган ўзгаришлар юз берди. Пахта ва ғаллачиликда давлат буюртмасидан тўлиқ воз кечилиб, эркинлик бўлиб, фермерларнинг манфаатдорлиги ошди. Энг қувонарлиси, соҳада мажбурий меҳнатга барҳам берилди.

Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, давлатимиз раҳбари саъй-ҳаракати билан ўтган орти йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми тарихий кўрсаткич — 80 миллиард долларни ташкил этиб, экспорт ҳажми 1,5 баробар, хорижий инвестициялар ҳажми эса 3 баробар ўсди. Бунинг натижасида аҳолининг харид қобилияти ва ўртача ойлик иш ҳақи қарийб 2 баробар ошди.

Ўтган йиллар мамлакатимизнинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатини ҳам тубдан ўзгартирган давр бўлди. Президентимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб илгари сурган бир қатор глобал ташаббуслари дунё ҳамжамияти томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Албатта, бу натижаларга эришиш осон бўлмади, эришилаётган ҳар бир мақсад улкан машаққат ва меҳнат талаб қилади. Саъй-ҳаракатлар, аниқ мақсадни қўлаб қилинаётган ишлар бугун ўз самарасини бермоқда. Мухими, халқимиз ушбу ислохотлар моҳиятини чуқур англаб, қўллаб-қувватламоқда.

Президентимизнинг “Ҳеч бир фуқаро ўз муаммоси билан ёлғиз қолиб кетиши мумкин эмас”, “Биз эшитадиган давлатимиз”, деган талаблари барча раҳбарлар учун дастуриямал бўлмоқда. Бугун фуқароларнинг бирор-та муурожаати эътибордан четда қолмайдиган тизим яратилган.

Президентимизнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойили асосида барча даражадаги идора раҳбарлари аҳолининг муаммолари, муурожаатлари билан шуғулланмоқда.

Умуман олганда, аниқ режа асосида қилинган ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган муурожаатлар ҳам ўз ечимини топмоқда.

Жиззах вилоятининг барча маҳаллаларида мунтазам равишда оммавий қабуллар, ваколатли органлар иштирокида танқидий муҳокамалар ўтказилиши натижасида муурожаатлар сони ўтган йилга нисбатан 19 фоизга камайишига эришилди. Аҳамиятлиси, ўтказилган сайёр қабуллар натижасида фуқаролар ўз муаммоларига ижобий ечим топмоқда.

Жисмоний ва юридик шахслар ҳар бир муурожаатининг ижроси алоҳида назоратга олингани, ташкилот ва идоралар раҳбарларининг халқ билан мулоқот тизими шаклланиши боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали келиб тушган муурожаатларнинг 13,5 мингдан зиёди ижобий ҳал этилди.

Шубҳасиз, ҳар бир муурожаат ортидан инсонлар тақдирини туради. Шу боис, муурожаатларда қутарилаётган масалалар қайси соҳада қўлаб-қўлаб бораётгани,



бўлган Жиззах вилоятида марказлашган тоза ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 62 фоизни ташкил этади. Лекин бугун вилоятнинг 38 фоиз аҳолиси ҳамон муқобил ичимлик сув манбаларидан фойдаланиб келмоқда. Шу ва бошқа давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида аҳолининг тоза ичимлик сувга бўлган талабини тўла қондиришда Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги “Жиззах вилояти аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муаммони ҳал этишнинг муҳим омилли бўлмоқда.

Юқоридаги қарор асосида “Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Жиззах вилоятининг ичимлик сув таъминоти тизимини яхшилаш” лойиҳаси тўлиқ амалга оширилган, сув таъминоти қўлаб кўрсатилган Жиззах шаҳри, Бахмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик, Мирзачўл туманлари аҳолисининг тоза ичимлик сув билан таъминоти яхшиланади. Бу, ўз наъбатида, аҳолининг обихоёт билан таъминланиши баробарида худудларни ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2030 йилга қадар вилоятда камбағаллик даражасини 16 фоиздан 5 фоизга қисқартириш, 370 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мақсад қилинган. Бунинг учун ҳар бир туманда ишсиз аҳолини касбга тайёрлайдиган моно-марказлар ташкил этилади. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 5 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, лойиҳалар кўп меҳ-

Ушбу даврда 2 миллиондан ортқ еки 2017 йилга нисбатан 5 баробар кўп оила давлатнинг ижтимоий ҳимояси билан тўлиқ қамраб олинди.

Тарихимизда илк бор 200 минг гектар сугориладиган пахта ва ғалла экиладиган ер 2 миллиондан зиёд аҳолига, биринчи навбатда, эҳтиёжмандларга деҳқон хўжалигини юритиш — бозор-бозор озиқ-овқат экинлари етиштириш учун тақсимлаб берилди.

Жиззах вилоятида ҳам пахта ва ғалладан бушаган 14 минг гектар ер аҳолига берилиб, 100 минг кишининг бандлиги таъминланмоқда. Энди яна 15 минг гектар ер озиқ-овқат экинлари етиштириш учун ажратилади. Аграр соҳада 1,3 миллиард долларлик 1,5 мингта лойиҳа амалга оширилиши ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1,5 қарра оширилади, экспорт 500 мил-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

қайси худуд ва тармоқда муаммолар йиғилиб қолгани, қандай оилалар давлатимизнинг эътибор ва рағбатига кўпроқ муҳтож бўлаётгани бўйича Халқ қабулхоналари томонидан доимий таҳлиллар олиб борилмоқда. Таҳлиллар натижасида туманларда ҳам ижобий кўрсаткичлар сони ортиб бораётгани кўринади. Жорий йилнинг олти ойи давомида масалаларни ижобий ҳал этиш даражаси Мирзачўл туманида 66 фоиз, Фориш туманида 64 фоиз, Зарбдор туманида 63 фоиз, Арнасой туманида 62 фоиз, Бахмал туманида 62 фоизга етган.

Қувонарлиси, муурожаатлар ечимини ўлароқ, одамларимизда розилик ҳиссини ошираётган бундай амалий натижаларни ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин. Бундан буюн ҳам муурожаатлар билан ишлашда талабчанлик ва синчковлик қўчайтирилади ҳамда қонун устуворлиги таъминланади.

Бу эса давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон, бу — аввало, инсон қадрли улугланган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча имкониятлар яратилган мамлакатдир”, деган гапининг амалдаги исботидир.

Албатта, амалий натижалар билан бирга камчиликлар ҳам мавжуд. Уларни ҳам босқичма-босқич бартараф этиш йўллари изланмоқда. Асосийси, халқимиз оғиз-бирчиликда юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни мақсад қилган. Президентимиз бошчилигида юксак мақсад — ҳар томонлама ривожланган янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этишга мақдам кел болаган. Биз ишонамиз, кенг қўламли ислохотлар натижасида яқин йилларда жонажон юртимиз дунёнинг энг тараққий этган давлатлари қаторидан жой олиди. Зеро, бунинг учун мустақам замин яратиб олдик ва аниқ ўйланган режаларимиз бор.

Фикримизни битта мисол билан мустақамлаб қўямиз: Президентимиз Жиззах вилоятидаги сайловчилар билан учрашувда ёшларга оид давлат сиёсатини янада такомиллаштириш борасида бир қатор ташаббусларни илгари сурган эди. Унда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича етти йиллик катта дастурни амалга ошириш, ёшларга замонавий билим ва кўникмаларни ўргатиш, юқори даромадли соҳада ишлаш олиши учун шароит яратиш, ахборот технологиялари таълими ва хизматлар занжирини ишга тушириш, кўпроқ ёшларни спортга жалб қилиш каби катта ташаббуслар ҳақида сўз борди.

Бу каби мақсадларни амалга ошириш асносида ҳар бир вилоятда “Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази”ни ташкил қилиш, “Менинг биринчи уйим” лойиҳаси доирасида ҳар бир вилоят марказида айнан ёшлар учун йилга мингта уй-жой қуриш қўзда тутилаётгани ҳам гоят муҳимдир. Қолаверса, коллеж ва техникумларда касб-ҳунарга ўқитиш тизимини ислоҳ қилиниб, ОТМларда амалиётга йўналтирилган касбларга тайёрлаш мuddати қисқартирилиши ҳам ёшлар учун катта имкониятлар эшигини очиши шубҳасиз.

Бу бежиз эмас, албатта. Ўзингиз ўйлаб кўринг, кейинги 3 йилда 250 минг ёшга 6 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилган. Пировардида, ёш тадбиркорлар сони 200 мингдан ошди. Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 130 минг талабага 1 триллион 700 миллиард сўм таълим кредитлари ажратилди. 53 минг эҳтиёжманд талабага ўқитиш учун контракт пуллари, 81 минг талабага уй-жой ижараси ҳаражатлари тўлаб берилди. Буларнинг бари мамлакатимизда ёш кадрларнинг салоҳиятини, фидойини ва жонқуяр авлоди этишиб келаётганидан далолат беради.

Юқорида айтганимиздек, мамлакатимиз дунёнинг энг тараққий этган давлатлари қаторидан жой олиши учун мустақам замин яратганимиз асоси ҳам шу — янги Ўзбекистон ёшлари учун берилган катта имкониятлар. Бу йилда мақсадимиз аниқ, йўлимиз аниқ, режаларимиз аниқ — ижтимоий давлат тамойилларини ҳаётга ҳеч оғишмай татбиқ этиш. Зеро, ижтимоий давлат қувончини халқимиз билан биргаликда, ҳамжихатликда, бирдамлик ва меҳр билан ҳис қилсак, унинг қадрига етсак ва ўз зиммаларимизда вазифаларни виждонан бажарсак, ҳеч ким бизга тенг кела олмайди.



ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

САҲРО БАҒРИДА Мўъжиза яратиб



Гуличехра ДУРДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бетда

Шу йил якунига қадар ҳудуддаги автомобиль йўлини реконструкция қилиш мақсадида қиймати 10 миллиард сўмдан зиёд сармоя ўзлаштирилмоқда. Бу умумий фойдаланишдаги 7 километр, ички хўжалик йўлидан деярли 11 километрда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилади, деганидир.

цемент ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга тушди. Йил охирига қадар 250 дан ортиқ янги иш ўрни ҳам яратилади. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишидаги "Профкомплект Бухара" МЧЖ томонидан сим ишлаб чиқариш корхонаси 2024 йилда ишга туширилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 7 миллион АҚШ доллари. Унинг 3,5 миллион доллари банк кредити, қолгани тадбиркорнинг маблағи. Лойиҳа амалга оширилиши натижасида 10 200 тонна маҳсулот қайта ишланади ва 100 одам ишли бўлади.



нария ва чорвачилик ривожлантириш бўлими бошлиғи Дилмурод Юсулов. 2021 йилда ишга туширилган мазкур чорвачилик комплекси замон талаблари асосида жиҳозланган бўлиб, вилоятдаги энг йирик корхоналардан бири. 2023 йилда мажмуа навбатдаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга киришди. Германиянинг насли қорамоллар, уруғ ва эмбрионлар соҳасига ихтисослашган "Zve Zuchtvieh-Export GmbH" корхонаси билан тузилган шартномага кўра, швед, симментал ва қизил дания зотли 489 бош қорамол сотиб олинди. Ҳозир ушбу насли қорамоллар чукр билим, тажриба ва малакага эга мутахассислар, зоотехниклар назоратида парваришланмоқда.

Паррандачилик истиқболлари

Айни кунда ҳудудда аҳоли талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, паррандачилик тармоғи, пархезбоп гўшт ва тухум етиштириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Туман 1-секторида қарашли ҳудудда "Парранда экспорт савдо" маъмулоти текланган жамияти томонидан қиймати 700 миң доллар бўлган паррандачилик комплекси ишга туширилгани фикримиз далилидир. Ҳозир корхонада 100 миң бройлер товуқ парваришланыпти. Яқинда яна 50 миң товуққа мўлжалланган паррандачилик фабрикаси иш бошлади.

"Бухара реал мото" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган юк мотоцикллари нафақат юртимизга, балки қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинаётгани туманнинг инвестиция салоҳиятини янада оширмоқда. Корхона 2017 йилда ишга туширилган бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 14 миллион АҚШ доллари ортиқроқ. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 20 миң дон. Корхонада бугунги кунда 300 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланган. "Петрочем Бухара" МЧЖ томонидан нефтни қайта ишлаш фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 15 миллион доллар. Корхона туфайли бугун 100 дан зиёд фуқаро иш билан банд. Туманда йил якунига қадар яна бир йирик корхона ишга туширилади. "Sunphotech" МЧЖ томонидан қиймати 8 миллион доллар бўлган, таркиби азот, фосфор ҳамда калий компонентлари ва микроэлементлардан ташкил топган комплекс ўғитлар ишлаб чиқариш лойиҳасининг ишга тушиши натижасида 120 та янги иш ўрни яратилади.

Кичик sanoat зонаси ташкил этилмоқда

Туманнинг Чўлқувар маҳалласидаги 5 гектар майдонда кичик sanoat зонаси ташкил этиш ишларига жорий йил бошдан киришилган. Бу кичик sanoat зонасида ташаббускорлар томонидан умумий қиймати 40 миллион сўмлик 8 та лойиҳа амалга оширилиши мақсад қилинган. Ҳозир бу ерда "Ака-ука СИТИ" МЧЖ томонидан нефть маҳсулотларини сақлаш, қadoқлаш, газ конденсатини қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилган. Мухими, бу ерда 45 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Шунингдек, яқин кунларда "Анваржон металл сервис 2020" МЧЖ томонидан қиймати 3,5 миллиард сўмга тенг булган қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилади.

Хориқликлар билан мақсадли ҳамкорлик

Туманда насли қорамолчиликни ривожлантириш истиқболлари ҳам инвестиция лойиҳалари асосида кенгаймоқда. Жумладан, "Вухоро Agroklaster Chorva" МЧЖда насли қорамол зотларини қўлайтириш, халқимиз дастурхонини сифатли гўшт ва сўт маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда, — дейди туман ветеринар...

Йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади

Халқимиз кечагидан кўра бугун яхши яшашни истади. Йўлининг асфальтланганини, хонадонига тоза ичимлик сув киришини, табиий газ, узлуксиз электр таъминотини, ҳар бир қишлоқда мактаб ва боғча бўлишини хоҳлайди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 14 июндаги "Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори туман келажагида муҳим аҳамият касб этади. Электр энергияси ишлаб чиқариш манбаларини диверсификация қилиш, аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг энергия ресурсларига ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлаш, электр энергияси ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланишни камайтириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш қўламини кенгайтиришга тўғридан-тўғри хориқий инвестицияларни кенг жалб этишда бу қарор муҳим дастурийлашма вазифасини ўтайди.

Туманда 100 гектар майдонда эркин иқтисодий зона ташкил этилган. Мазкур ҳудудга қарашли Бузачи маҳалласида "Бухоро Евро цемент" МЧЖ томонидан умумий қиймати 29 миллион АҚШ долларилик инвестиция ҳисобига йилга 750 миң тонна



лаб келяпкан. Қолиплари буюртма асосида Хитойдан сотиб олишга тўғри келарди. Айни пайтда уларни ўзимизнинг цехда ишлаб чиқаришни бошладик. Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ.

Чирой очаётган Чўлқувар

Туман марказидан 15 километр узоқликда, қўшни Қашқадарь вилоятига яқин ҳудудда жойлашган "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғини таркибидаги Тошқудуқ ва Қўриқтепа қишлоқларида айни кунда 2 миң 900 нафар аҳоли истиқомат қилади. Чўлқуварлар ҳудуди йил сайин чирой очиб, аҳолини қўлай қилаётган муаммолар ечимига эътибор қаратилаётгани кўпларни хурсанд этапти. 2019 йилда мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилган икки қаватли 3-умумтаълим мактаби 416 нафар ўқувчини ўз бағрига олган. Таълим даргоҳига муқобил энергия таъминоти учун қуёш панели ўрнатилган.

— Халқимизнинг талаб ва муножаатларидан сунг ўтган йили икки қишлоғимизнинг ҳар бирида 5 километр масофадаги ички йўл асфальтлангани, кўчамизда 2,5 километр узунликда пидедалар йўлига барпо этилгани зўр иш бўлди, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нодир Воҳидов.

Ҳозир 154 нафар болажон қатнаётган 8-мактабга таълим ташкилоти ҳамда "Дўстлик" оилавий шифокорлик пункти томига ҳам қуёш панели ўрнатилди. Дўстлик ва Маърифат кўчаларида яшовчи аҳоли номидан ҳудуд тунги чироқларни янгилаш талаби юзасидан иш олиб борилиб, кўчанин қарий 1 километр қисми тунги ёритиш тармоғига эга бўлди.

"Беш ташаббус" маркази иш бошлади

Навбахор маҳалласида "Беш ташаббус" маркази фойдаланишга топширилгани эртанги эгалари истеъдодини юзага чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. — Вилоят ҳокимлиги эътибори ва рағбати билан аввалги "Дўстлик" хўжалигининг эски маданият клуби танланиб, қарий ярим гектар майдонда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳомийлигида қайта қуриш, мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди, — дейди "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Илхом Сафаров. — Замонавий, кўркем қўйфага кирган икки қаватли иншоотда бадиий гимнастика, миллий кураш, шахмат, шашка, стол теннис, бадминтон, киберспорт, шунингдек, ахборот технологиялари, компьютер саводхонлиги, инглиз тили, рангли қозғолардан гул ясаш, мусиқа ва миллий чолғу асбоблари, тикувчилик каби ўтарақлар фаолият юритмоқда. Марказда китобсевар ёшлар учун кутубхона, қолаверас, фитнес ва тренажёр зали ҳам бор.

Дарвоқе, бу янги марказ фаолияти нафақат ёшлар, балки 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган барчага хизмат қўришга мўлжалланган. Маҳаллада 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар сони 1,5 миң нафардан кам эмас. Демак, уларни касб-корга йўналтириш, бўш вақтини маъмул ташкил қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, китобхонликка ва санъатга, мусиқага ошно

қилишда мазкур "Беш ташаббус" марказининг ўрни ва аҳамияти янада ошади.

Йўлсозлар жонбоз — йўллар соз

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жорий йилда автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш бўйича Қоровулбозор туманида жами 8 ки-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ўқиш учун МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

лометрга яқин йўлни асфальтлаш дастурга киритилган бўлиб, айни дамда бу лойиҳа деярли аяқланган.

Обод қишлоқ — озода қишлоқ

Чунончи, йўлсозлар жонбозлиги билан Жарқоқ маҳалласида 1,8 километр йўл асфальтланган бўлса, Бузачи маҳалласи аҳлининг муножаатидан келиб чиқиб, Муродобод, Аҳилик, Барҳаёт ҳамда Навбахор кўчаларининг 3,2 километр қисми таъмирдан чиқарилди ва асфальт ётқизилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида туман йўлларида 5,1 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилиб, узунлиги 58 километрдан зиёд қисми асфальтланди. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлининг 50 километрида капитал ва жорий таъмирлаш ишлари, шунингдек, ички хўжалик йўлининг 8,2 километрида жорий таъмирлаш ишлари тўла-тўқис аяқланди.

Шу йил якунига қадар ҳудуддаги автомобиль йўлини реконструкция қилиш мақсадида қиймати 10 миллиард сўмдан зиёд сармоя ўзлаштирилмоқда. Бу умумий фойдаланишдаги 7 километр, ички хўжалик йўлидан деярли 11 километрда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилади, деганидир. Шунингдек, Гузор — Бухоро — Нукус — Бейнеў йўналишидаги А-380 йўли боқичма-боқич цемент-бетон билан қопланди. Мазкур лойиҳани амалга оширишда Хитойнинг "China Road and Bridge Engineering" компанияси пудратчи ташкилот сифатида иш олиб боради. Қоровулбозор туманидан ўтувчи мазкур магистралнинг 150-188 километрга қисмида қурилиш ишлари бошланмоқда. Қиймати 126 миллион доллар бўлган қурилиш ишлари 2025 йил охиригача аяқланиши режалаштирилган.

Канализация тармоғи тўдан янгиланади

Қоровулбозорда ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимида йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Ҳамкорлик асосида Туркиянинг "TUMAS-SEURECA" консорциуми томонидан туманда ичимлик сув тизimini реконструкция ва модернизация қилиш бўйича лойиҳа ишлари олиб бориляпти. Унинг асосида Навбахор, Бузачи ҳамда Жарқоқ маҳаллаларидаги 3 та сув тақсимлаш иншооти реконструкция қилинади ва 68,3 километр масофага ичимлик сув тармоқлари ётқизиш белгиланган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа бўйича 3,3 миллион долларлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

Яна бир лойиҳага асосан, туманнинг канализация тармоғи тўдан янгиланади. 5 та канализация насос станцияси қурилиб, 49 километрик канализация тармоғи тортилади. Бундан ташқари, бир кеча-кундузлик қуввати 2,1 миң куб метр бўлган канализация тазолаш иншооти қуриш режалаштирилган. Ушбу ишларни амалга оширишга 10 миллион доллар миқдорда маблағ йўналтирилиши белгиланган.

Қоровулбозор сардобаси

Қоровулбозорда сайёҳларни ўзига жалб қиладиган тарихий бинолар, обидалар кўп. Шуллардан бири Қоровулбозор сардобасидир. У XVI асрга мансуб бўлиб, шаҳар марказига қираверишда жойлашган. Ҳовузнинг диаметри 16 метрдан зиёд, гулбазининг баландлиги эса 6,5 метр. Сардоба деворларининг қалиنлиги 1,5 метргача. Иншоот пишиқ гишт билан ганч қоримасидан қурилган.

Гиштлар устидан саксовулдан тайёрланган кўмир қатлами тўшалиб, устидан туя жунидан тайёрланган 3 қават кигиз, сўнг пардозланган 3 қават мол териси ёпилиб, гишт терилган ва ганч билан сувалган. Саксовул сувни тузлардан тазолашда филтер вазифасини бажарган бўлса, ганч, пишиқ гишт ва мол териси хўмнинг ерга орттича шимиллиб кетишидан сўянма қилган. Умуман, Қоровулбозор туманида маҳаллий ва хориқий сайёҳларни жалб этиш учун барча имкониятлар бор.

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

ДЎСТЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ДИЁРИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ МУШТАРАК ЭЗГУ ОРЗУ-УМИДЛАРИ РЎЁБГА ЧИҚАЁТИР



Азизбек АМОНОВ,
Бухоро давлат университети биринчи проректори

“Асрлардан-асрларга ўтиб келган миллатларо тотувлик анъаналари бардавонлигини таъминлаш мақсадида мустақкам ҳуқуқий асос яратилди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида мультикультурализм бахслари авж олган бир пайтда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган ҳар бир миллат учун урф-одати, тили, дини, миллий қадриятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш шарт-шароитлари яратилди.

Бошланғич 1-бета

Бугун мамлакатимиздаги барча миллат ва элат вакиллари эмин-эркин, ўзаро тотув яшаши учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилдан буён 30 июль — Халқлар дўстлиги кўни мамлакатимизда кенг нишонлаб келинаётди. Юртимизда Ҳаракатлар стратегияси, кейинчалик Тарақиёт стратегиясининг алоҳида дастур, “йўл харитаси”даги тегишли бандлари ва йўналишларда белгилаб олинган устувор вазифалар амалда қўлланылмоқда. Шу билан бирга, “Инсон қадри учун”, “Авалл — инсон, кейин — жамият ва давлат” каби улғувор ғояларнинг амалий натижаси тўғрисидаги бугун жамиятимизнинг барча жабаҳасида миллатларо тотувлик ва бағрикенгликнинг асл мазмун-моҳияти буй-баста билан намоён бўлаётди.

Миллатларо тотувлик ғояси

Миллатларо тотувлик ғояси жаҳон халқлари учун умуминсоний қадрият. У тинчлик ва фаровонлик кафолати, миллатларо ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асоси. Мазкур ғоя ҳар бир миллат вакилининг оруз-умидлари, иқтидорлари ва истеъдоди тўлиқ рўёбга чиқиши учун замин ҳозирлайди. Уни Ватан истиқболли, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умуминсоний мақсадлар сари етаклайди. Кўни кеча давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек,



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЎЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Кўп миллатли халқимиз — бизнинг энг катта бойлигимиз, юртимиздаги миллатлар ва конфессияларо ҳамжиҳатлик — барча ютуқ ва марраларимизнинг мустақкам асосидир”.
Зотан, 150 йил давом этган мустамлакачилик сийсати тўғрисидаги умуминсоний мақсадлар сари етаклайди. Кўни кеча давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, рининг тили, маданияти, урф-одатларини сақлаб қолиш, ўрганиш ва ривожлантиришга қўлмақшмоқда.
Ўзбекистонда бошқа миллат ва элат вакиллари сингари корейслар учун ҳам тарихи, тили, маданияти, дини, урф-одат, қадриятларини ўрганиш, миллий маросим ва байрамларини нишонлаш имконияти яратилган. Корейслар она тилини ўрганиш, бошқа этник бирлашмалар билан бирга Ўзбекистоннинг давлат ва миллий байрамлари ҳамда Соллал — корейсча янги йил, Тано — ёз байрами ва Чусок — ҳосил байрами каби миллий байрамларини нишонлайди. Шунингдек, юртимизда 12 та олий таълим муассасаси, 48 та мактаб ва лицейда корейс тили ўқитилмоқда.
Янги таҳрирдаги Конституциямизда мустақкамлаб қўйилган қонда ва меъёрлар асосида нодавлат ташкилотларнинг ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқини кафолатлаш орқали фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам қилинаётган ишларнинг мантиқий давомидир.

ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-инок, бир-бирига елкадош бўлиб яшаб келмоқда.

Ҳамжиҳатликнинг ҳуқуқий мақоми

Асрлардан-асрларга ўтиб келган миллатларо тотувлик анъаналари бардавонлигини таъминлаш мақсадида мустақкам ҳуқуқий асос яратилди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида мультикультурализм бахслари авж олган бир пайтда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган ҳар

Орзиқиб кутилган фуқаролик бахти

Яқин йилларга Ўзбекистонда фуқаролик бўлмаган кўп одамлар сарсонун саргардон бўлгани сир эмас. Уларнинг фуқаролик ҳуқуқи йўқ эди. Мана шундай нотенгликка барҳам берилди. Ўзбекистонда кўп йиллардан буён яшаб, меҳнат қилиб келаётган бошқа миллат вакилларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини топшириш тизими жорий этилди. Масалан, Президентимизнинг 2019



бир миллат учун урф-одати, тили, дини, миллий қадриятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш шарт-шароитлари яратилди.

Халқимизнинг бағрикенглиги тўғрисида кўп миллат вакилларига бошпана берилди. Корейслар, немислар, арманлар, грузинлар, мексикети турклар, поляклар, юнонлар, қрим татарлари ўзбек элида кўни топди. Уларнинг зурриёди шу заминда туғилди, шу ерда таълим-тарбия олиб, воёга етди. Бугун нафақат ўзбеклар, балки бошқа миллат ва элатларнинг таниқли сиймолари шарафига кўчалар, истироҳат боғлари, муассасаларга ном берилди, монументлар ўрнатилди.

Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги “Миллатларо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида биноан, Республика байналмилал маркази Вазирлар Мақамаси ҳузуридаги Миллатларо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасига айлантирилди. Мазкур қўмита зиммасига жамиятда миллатларо тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар сийсатни изчи амалга ошириш вазифаси юклатди. Қўмита биноси ёнида миллатлар ва элатларни ҳамжиҳатликка чорловчи Дўстлик боғи барпо этилди. Турли миллат вакилларининг миллий маданияти янада юксалишига хизмат қиладиган маданият уйлари фаолияти йўлга қўйилди. Бугун қўмита ҳузуридаги 140 дан ортиқ миллий-маданий марказ ва 30 дан ортиқ дўстлик жамияти ҳар бир миллат ва элат вакиллари

йил 22 апрелдаги фармонида асосан, корейс миллатига мансуб 70 нафар юрдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги паспортини топширилди. Утган йилларда улар сони бир неча юздан ортди. Бу эса кўп йиллар юртимизда астойдил меҳнат қилиб, Ўзбекистонимизни Ватан деб қадрлаган инсонларга янада кўтаринки руҳ ва қайғират бағишлади. Айни пайтда мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларига тенг ҳуқуқ ва эркинликлар берилиб, давлат ва жамият бошқаруви ишлари, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаёда фаол ва эркин қатнашиши учун кенг имконият яратилди. Чунончи, бугун сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенашлар депутатлари, вазирликлар, идоралар, қорхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари орасида турли миллат вакиллари самарали фаолият юритмоқда. Шаҳар ва қишлоқлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари (қишлоқ) ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ҳоказо)га ўзбеклар билан бирга рус, тожик, татар, қирғиз, қозоқ, украин ва бошқа миллатга мансуб оқсоқоллар (маҳалла раислари) раҳбарлик қилмоқда.

Кўп йиллик “муз” ларнинг эриши

Юртимиз бир неча давлат билан чегарадош, шу билан бирга, чегара атрофидаги аҳоли бир-бири билан борди-кендили, қуда-андали. Авваллари шуларнинг чегарадан ўтолмай, ҳатто яқинлари таъзиясига ҳам бора олмаган ҳолатлар кўп бўлган. Ҳозир Тожикистон, Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон, Афғонистон ва бошқа мамлакатлар билан яқин қўшничилик, миллатлар, халқлар ўртасида тинчлик, тотувлик, бағрикенглик тамоилигини жорий этиш сийсати ҳукм сурмоқда. Буни чегара ҳудудларининг эркинлаштирилгани, қардош халқлар раҳбарларининг фуқароларга сийсат, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда қўлай шартлар яратиб бераётгани, фуқаролар қўшни мамлакатда яшаётган яқинлари билан учрашиб, дийдорлашгани, бориш-келиш жараёни жадаллашганида ҳам қўриш мумкин. Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг кам сонли миллатлар буйича олий комиссари Ламберто Заньер бундай дейди: “... Ҳозир мамлакатимиз қўшничи билан чегараларини очди, одамлар эмин-эркин яқинларини кўриш борапти. Бу ташаббусларнинг ҳаммаси миллатларо муносабатларга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Уртингига Ўш орқали кириб келдик. Фарғона водийида бўлиб, бу ерда турли тилларда ўқитиладиган мактабларга бордик, ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдик. Ўзбекистондаги таълим ва бошқа соҳаларда халқаро келишувни таъминлаш буйича ҳолат ижобийлигига гувоҳ бўлдик. Умуман, миллатларо муносабатлар йўналишида конструктив сийсат юритилляпти. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда бағрикенгликни мустақкамлаш йўлида янги имкониятлар очилмоқда. Айни шу жараёнда бизнинг ташкилот ҳам муносива ҳисса қўшишга тайёр”.

Бахтли, тинч-тотув ва фаровон Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакиллари ўзларини эркин ҳис этмоқда, ўзбеклар билан бирга қўлни-қўлга бериб ишламоқда, яшамоқда. Ўзбекларнинг бағрикенглиги юртимизда асрлар давомидида шаклланиб келган бошқа халқларга хурмат кўрсатиш, самимий, дўстона муносабатда бўлиш борасидаги қадимий қадриятлар, умуминсоний қарашларга таянган ҳолда ёндашиш анъанасидан келиб чиқади. Қолаверса, мамлакатимизда барча миллатлар учун тенг ҳуқуқлилик асосида юритилаётган сийсат, уларнинг она тили, маданияти, урф-одатлари, қадриятларини ривожлантириш учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.



МУНОСАБАТ

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЎЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ОВҚАТЛАНИШ ИЛМИДАН СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШГАЧА

Бу мамлакатимиз спортчиларининг ишончли ғалабаси учун муҳим пойдевор бўлади

Аъзамжон МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети доценти



Кейинги йиллар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида катта ўзгаришлар даври бўлмоқда. Буни биргина соҳага доир таълим тизими тубдан такомиллашайтгани мисолида қўриш мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт таълими ислохотлари ҳақида умумий мазмунда гапирадиган бўлсак, аввало, боғча ёшидан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш тизимига ўтилди. Бунда болаликдан тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан бошлаб, мактаб даврида ўғил-қизларимиз спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шароитлар яратилди. Мактабларда янги спорт заллари барпо этилиб, мавжудлари тубдан таъмирланди, моддий-техник базаси мустақкамланди.

Олий таълим тизими ҳам ислох қилиниб, миллий ва олимпиада спорт турларига ихтисослашган спортчилар тайёрлаш буйича халқаро стандартлар жорий этилди. Бунда асосий эътибор натижадорликка қаратилган бўлиб, республика ва халқаро миқёсда юксак натижаларга эришган спортчилар ва уларнинг мураббийларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилди.

Бу каби ўзгаришлар ҳақида узоқ гапириб мумкин. Президентимизнинг жорий йил 28 июлдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун тиббиёт кадрларини тайёрлаш ҳамда спортчиларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса бу борадаги тизимли ислохотларни мақсадли давом эттириш, спорт тиббиёти соҳасида кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини амалиётга татбиқ этиш орқали спортчиларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиши янада такомиллаштириш билан аҳамиятли бўлмоқда.

Бугун соҳага дахлдор ва мазкур қорар ижросидан манфаатдор профессор-ўқитувчи сифатида қарорнинг алоҳида муҳим жиҳатларига тўхтамоқчимиз. Аввало, қарорнинг мақсади жуда муҳим ва долзарб. Яъни спорт тиббиёти соҳасида кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш орқали спортчиларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида ечимини кутаётган масалалар соҳа мутахассисларини кўп йиллардан буён йўлантириб келаётган эди.

Эндиликда бу борада бир қатор муҳим чора-тадбирлар амалга ошириладиган бўлди. Ва энг муҳими, бу ишлар бевосита спорт таълим муассасалари ва миллий терма жамоалар билан узвий равишда йўлга қўйилди.

Қарорга қўра, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун спорт шифокори ва спорт диетолог мутахассисларини тайёрлаш буйича бош олий таълим муассасаси ҳисобланадиган Тошкент тиббиёт академиясида спорт шифокори ва спорт диетолог (овқатланиш илми) буйича магистратура мутахассисликлари очилади. Тошкент фармацевтика институтида экспериментал ва спорт фармакологияси магистратура мутахассислиги буйича амалдаги ўқишга қабул қилиш давлат буоуртмаси параметрлари икки баробар оширилади.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузурида ташкил этилган тиббиёт факультетини янада кенгайтириш орқали уни Тошкент тиббиёт академиясининг Чирчиқ филиалига айлантириш, филиалда спорт тиббиёти ва бошқа тиббиёт мутахассисликлари буйича кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда Чирчиқ шаҳридаги барча турдаги тиббиёт муассасаларини филиалга клиник-ўқув база сифатида бириктириш белгиланди.

Бу эса, ўз навбатида, спорт тиббиёти йўналишида кадрлар тайёрлаш буйича илғор инновация, илмий-услубий технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини спорт-таълим муассасалари ва миллий терма жамоалар билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этишда муҳим аҳамият касб этди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2022 йил 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун спорт тиббиёти йўналишини

ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белги-ланган. Хусусан, кадрлар тайёрлаш буйича илғор инновация, илмий-услубий технологияларни жорий этиш орқали ўқув жараёнини спорт-таълим муассасалари ва миллий терма жамоалар билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этиш, спорт тиббиёти йўналишида кадрлар тайёрлашда талабаларнинг амалий машғул-лотлари ҳамда амалиётини Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида ташкил этиш орқали дуал таълим тизимини ривожлантириш жуда муҳим.

Бунда хорижий мутахассислар (спорт шифокори, спорт диетолог, спорт физиолог, спорт фармаколог, спорт психолог)ни жалб қилган ҳолда спорт тиббиёти соҳасидаги ходимлар малакасини оширишни тизимли йўлга қўйишда хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этди.

Қарорда спорт шифокори ва спорт диетолог мутахассисликлари буйича кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида илмий асосланган так-лифларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини кенгайтириш ва янада такомиллашти-риш орқали спортчиларга тиббий хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яхшилаш ҳам кўзда тутилган.

Жойларда спортчиларнинг жисмоний ҳолати ва ривожланишини доимий назорат қилиб бориш, улардаги ўткир, сурункали касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда даволаш, спорт-таълим муассасалари, шунингдек, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида фаолият олиб бораётган тиббиёт мутахассислари билан яқин ҳам-корликни йўлга қўйиш ҳамда уларнинг профессио-нал фаолиятига қўлмақлашиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, спортчиларнинг касаллик ва жароҳатла-рини даволаш, уларга махсус ҳамда комплекс теозор тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида тиббий-жис-моний тарбия диспансерлари вазифасини бажариш, спортчиларнинг касаллик тарихини ўзида ақ этирув-чи ягона электрон ахборот тизимини яратиш, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари ҳамда ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасаларида тайёрланаётган профессионал спортчиларни бир йилда икки мартаба чуқурлаштирилган тиббий текши-рувдан ўтказиш ва тиббий мониторинг олиб бориш со-ҳани янада ривожлантиришга хизмат қиладди.

Биз юқорида спорт диетологiasi, яъни овқатла-ниш илми ҳақида гапирдик. Аниқроғи, бу борада ма-гистратура мутахассислиги буйича кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилишини айтдик. Бу қандай аҳамият-га эга?
Спорт соҳасида илғор давлатлар тажрибасидан ҳам маълумки, овқатланиш илми спортчи ҳаётида хал қилувчи аҳамият касб этиб, унинг муваффақият-лари гарови сифатида қаралади. Лекин бизда яқин йилларга бу тизим даярли ишламади. Ҳозиргача бу борада камчиликлар кузатиб келинар эди. Уз вақтида витаминлар билан таъминлаш, тўғри овқатланишга эътибор бериш спортчиларнинг кайфияти ва жисмо-ний ҳолатига таъсир кўрсатиб, мусобақа чоғида го-либликни таъминлайдиган асосий омил ҳисобланади. Бунинг учун эса илмий мутахассислар зарур. Шу маъ-нода, мамлакатимизда спорт диетологларини тайёр-лашнинг янги босқичи йўлга қўйилиши аини мудабо бўлди.

Бир сўз билан айтганда, спорт-таълим муассасалари фаолияти ривожланишининг узоқ мuddатли истиқболларини белгилаш, уларда олимпия ва пара-лимпия спорт турлари буйича спортчилар захирасини тайёрлаш учун зарур шарт-шароит яратиш борасида давлатимиз томонидан бераётган барча имконият-лардан самарали фойдаланиш аини кунда олдимиз-да турган долзарб вазифалар сирасидандир.

